

РЕНЕССАНС ТАЪЛИМ УНИВЕРСИТЕТИ ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН

1-6

Бугунги кунда олий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар мана шу устувор масалаларга йўналтирилган. Чунки жамиятни ривожлантирадиган, уни интеллектуал тараққиёт сари етаклайдиган асосий куч — бу малакали мутахассислардир.



Шу мақсадда 2019 йил 8 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" ислохотларнинг муҳим йўналишини белгилаб берди. Хужжатда олий таълимни замонавий талаблар асосида қайта ташкил этиши, мустақил фикрлайдиган ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, инновацион фаолиятни кучайтириш каби асосий вазифалар белгилаб берилган.

Концепциянинг асосий мақсади — фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш. Бу эса илм-фан ва иқтисодиёт ривожини жадаллаштириб, халқаро ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратди.

Олий таълим тизимидagi бундай ўзгаришлар жамиятни ривожлантириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва фуқаролар ҳаётини яхшилаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Айни пайтда мамлакатимизда олий таълимни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Соҳага хусусий сектор кириб келиши натижасида олий таълимда қамров даражаси 9 фоиздан 43 фоизга етди. Республикада 208 та олий таълим ташкилоти фаолият юритаётган бўлиб, уларда таълим олаётган талабалар сони 1 млн 400 минг нафардан ортди.

Хўкуматимизнинг таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлари Ренессанс таълим университетиде ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Университетимиз 2022 йилда ташкил этилган бўлиб, асосий мақсадимиз инновацион ёндашувлар асосида сифатли таълимни йўлга қўйиш орқали юқори малакали, рақобатбардош, замонавий фикрлайдиган кадрлар тайёрлашдан иборат. Шунингдек, университетимизни мамлакат ва хорижда тан олинган олий таълим муассасаси даражасига олиб чиқиш устувор мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Хозирда Ренессанс таълим университетиде 204 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб боради. Шулардан, 101 нафари илмий даражали бўлиб, фан докторлари (DS), профессорлар 23 нафарни, фан номзодлари (PhD), доцентлар 78 нафарни ташкил этади. Хозирги кунда илмий салоҳият 50 фоизга етди. 2027 йилга қадар бу борадаги ишларни жадаллаштириб, илмий салоҳиятнинг 70 фоиздан оширишни мақсад қилганимиз. Бунинг учун университетимизда барча шароитлар яратилган.

2024 йилда жамоамизнинг тинимсиз меҳнати ва фидойилиги натижасида қўллаб ютуқларга эришилди. Ўтган давр мобайнида 8 нафар ўқитувчимиз ўз диссертацияларини химоя қилди, 15 нафар ўқитувчимиз илмий унвонга эга бўлди. Бундан ташқари, 200 дан ортиқ ўқув қўлланма ва дарсликлар, 500 дан ортиқ ўқув адабиётлари яратилди.

Сир эмаски, хозирги ўзгаришлар шиддат билан ривожлантирилган бир даврда универси-

тетимизда хорижий мамлакатлар таълим тизими билан интеграция жараёнларини йўлга қўйиш борасида аниқ мақсадларга мувофиқ ҳолатда самарали ишлар олиб бориляпти. Жумладан, бу борада ҳамдўстлик мамлакатларидан Россия, Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, хорижий давлатлардан Хитой, Туркия, Корея, Малайзия давлатлари

дос бўлишини кафолатлайди. Таълим сифатини оширишда фан олимпиадаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада ҳам қатор ютуқларга эришиб келмоқдамиз. Хусусан, 2024 йилда талабаларимизнинг 3 нафари математика фани бўйича халқаро олимпиадада 2-3-ўринларни, 12 нафари эса республика ва халқаро спорт мусобақалари ҳамда танловларда ғолибликни қўлга киритди. 5 нафар талабамиз эса номдор Давлат стипендияларига сазовор бўлди.

Бугун университетимиз нафақат юртимизда, балки халқаро майдонда ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Яқинда университетимиз Индонезиянинг "UI Green Metric World University Ranking" халқаро агентлиги рейтингидан жой олиб, дастлабки юқори натижаларни кўрсата бошлади. Бу, албатта, барчамиз учун қувонarli ангилдик.

2024 йилда университетимизда 2 та катта халқаро конференция юқори савияда ўтказилди. 2025 йилда ҳам ана шундай 4 та халқаро конференция ўтказишни режалаштирганмиз.

Профессор-ўқитувчиларимизнинг илмий мақолалари доимий равишда халқаро конференцияларда, "Scopus" илмий маълумотлар базасида, республика конференциялари материаллари тўпламларида чоп этилмоқда. Яқинда туркиялик профессорлар билан ҳамкорликда бир неча илмий адабиётлар нашр қилинди. Жумладан, Анқара университети профессори Айнур Ўз Ўзжан ва университетимиз профессори, филология фанлари доктори Лайло Раулованинг ҳаммуаллифликда ёзилган "Ўзбек тили" китобининг ҳам тақдими бўлиб ўтди.

Университетимизда тармоқ, қорхона ва олий таълим муассасаси узвийлигини таъминлаш, ўз соҳасида илгор, рақобатдош мутахассисларни тайёрлаш бўйича ҳам амалий ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунга келиб гуманитар, ижтимоий, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника ҳамда хизматлар соҳаси асосида йўналишларимиз сони 34 тани ташкил этмоқда. Бундан ташқари, 3 та факультет, 10 та кафедра, 13 та бўлим, ахборот-ресурс маркази, устоз-шоғирд

Шу билан бирга, Ренессанс таълим университети Корея, Хитой, Малайзия, Туркия,



Россия, Ҳиндистон, Беларусь каби 15 га яқин хорижий ва Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, илмий-тадқиқот ишларини ҳамкорликда бажариш, дарслик ва ўқув адабиётларини тайёрлаш, халқаро конференциялар ўтказиш, халқаро грантларда иштирок этиш бўйича ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Таъкидлаш жоизки, мазкур хорижий университетлардаги давлат стандартлари асосида педагогика-психология, спорт, ижтимоий фанлар, филология ва иқтисод йўналишларида тажриба алмашинуви ишлари йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Муҳими, халқаро стандартларга мос равишда ўқув дастурларининг тўзилиши, таълим сифатининг юқори даражага чиқиши, таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлиги ҳамда энг илгор педагогик технологиялар асосида олиб борилиши университет битирувчиларининг меҳнат бозорига рақобатбар-

илмий мактаблари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 4 йил давомида талабалар математика, тарих, фалсафа, адабиёт, педагогика ва психология, жаҳон иқтисодиёти, халқаро муносабатлар, туризм, банк иши, молия, бухгалтерия, солиқ, ахборот тизимлари, IT, дизайн бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

Университетда тахсил олаётган талабалар спортнинг волейбол, теннис, шахмат, армрестлинг, бокс, таэквондо йўналишларида халқаро миқёсда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Университетимизда асосий эътибор таълим сифатини оширишга қаратилган. Талабаларимиз замонавий билимларни пухта эгаллаши учун барча қўлай шароитлар мавжуд. Ахборот-ресурс марказимиз 100 000 га яқин китоблар, ўқув адабиётлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан тўлиқ таъминланган. Талабаларга қўлайлик яратиш



мақсадида электрон кутубхона ҳам ташкил этилган бўлиб, унда 10 мингга яқин адабиётлар ўрин олган.

Талабаларнинг мустақил билим олиши, амалий кўникмаларни мустаҳкамлаши ва ҳар томонлама ривожланишлари учун университетнинг замонавий ўқув бинолари, компьютер хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Шу билан бирга, уларнинг мустақил ишлашга бўлган қизиқишларини ошириш учун илмий тадқиқот фаолиятларига кенг имкониятлар яратилган.

Бугунги кунда "ҳаражат — тадқиқот — мақсулот" формуласи асосида амалий ишлар тизими йўлга қўйилмоқда. Бу ёндашув, аввало, мольвий ресурсларни оқилона бошқариш, долзарб илмий масалаларни ўрганиш ва уларнинг натижалари асосида янги, бозор талабларига мос мақсулотларни яратишни назарда тутди. Мазкур формула ёрдамида талабалар фақат назарий билимга эга бўлиб қолмай, балки ўз тадқиқотларининг натижаларини амалиётда қўллаш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, талабаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва янги инновацион ғояларни амалиётга жорий этиш мақсадида "Ёш олимп" маркази, "Ёш академиклар ва заковатчилар", "Ёш математиклар", "Санъат, драма ва театр", "Дизайн", "Чет тили", "Сунъий интеллект ва киберспорт", "Сунъий интеллект ва дастурлаш", "Ёш дипломатлар", "Подкаст" клублари мунтазам фаолият олиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида келажакда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ва мамлакат иқтисодиётига улкан ҳисса қўшишга хизмат қилади.

Университетимизда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, талабаларнинг бундай вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг қобилиятларини юзага чиқариш ва китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Мунтазам равишда маънавий-маърифий урчушлар, маҳорат дарслари ва семинарлар ташкил қилинмоқда. Мазкур тадбирлар талабаларда ватанпарварлик, инсонпарварлик ва илмга чанқоқлик руҳини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, таниқли мутахассислар ва ёзувчилар билан урчушлар талабаларнинг дунёқарашини бойитиб, илм олишга бўлган қизиқишларини янада оширмоқда.

Китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида талабалар ўртасида ҳар ой иккита китоб ўқиш аънъанаси йўлга қўйилган. Ушбу лойиҳа орқали ёшлар ўз билимларини ошириш билан бир қаторда мустақил фикрлаш кўникмаларини ҳам эгаллашмоқда.

Беш муҳим ташаббус доирасидаги ишлар университет ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Ёшларнинг jisмоний ва интеллектуал ривожини, маънавий камолотини, ижодий қобилиятларини намоён қилиш имкониятларини янада кенгайтирилмоқда. Ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали университетимиз ёшлар учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантирувчи етакчи мас-

канга айланмоқда.

Талабаларимиз Универсиада мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб, ўзларининг спорт соҳасидаги истеъдодларини намоён этишмоқда. Спортнинг турли йўналишлари бўйича эришилган ютуқлар талабаларнинг фаоллиги ва ғайрат-шижоатини кўрсатиб келмоқда. Бу эса соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда университетимиз вакиллари Уфа шаҳрида ўтказилган белбоғли кураш бўйича халқаро мусобақада аjoyиб натижаларни кўлга киритди. Хусусан, педагогика факультети "Спорт фаолияти" кафедраси ўқитувчиси Зайлобиддин Артиқов мусобақада 1-ўринни қўлга киритиб, олтин медал билан тақдирланди. "Спорт фаолияти" кафедраси ўқитувчиси Оғабек Амантбоев эса 2-ўринни эгаллаб, кумуш медалга сазовор бўлди. Ёш истеъдодли вакилимиз "Спорт фаолияти" кафедрасининг 1-босқич талабаси Ҳайдарали Аҳаджонов 3-ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритди.

Бу улкан ютуқлар университетимизда устоз-шоғирд тизимининг самарали йўлга қўйилганининг яна бир исботидир. Спортчиларимиз нафақат университет, балки мамлакатимиз спорт тарихига ҳам ўз номларини ёрқин қилиш билан ёзиб қолдириди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, университетимиз томонидан буюртмачилар ажратган маблағлардан фойдаланиш бўйича қатор тақлифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, ҳудудий илмий кластер лабораторияларини ташкил этиш, ўқув-илмий лабораторияларини йўлга қўйиш, конструкторлик бюрослари (лоиҳа марказлари) фаолиятини амалга ошириш, технологик кўмак марказларини очиб, психологик диагностика дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича тақлифлар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ренессанс таълим университетиде ўқув жараёнларини ташкил этиш, илмий фаолиятни ривожлантириш ҳамда маънавий-маърифий ишларни самарали йўлга қўйиш тизими олиб боришмоқда. Университет ўзининг юқори салоҳиятли кадрлари, таълим жараёнига замонавий технологияларни қўллаш ва инновацион ёндашувлари билан таълим сифатини ошириш йўлида катта ютуқларга эришаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Илмий фаолият йўналишида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, жумладан, халқаро тадқиқот ва ҳамкорликлар университетнинг илмий салоҳиятини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Шу билан бирга, маънавий-маърифий йўналишида амалга оширилаётган ташаббуслар ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга, уларни жамият учун масъулиятли ва етуқ шахс сифатида шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Абдулла Авлоний: "Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқ", деганда таълим муассасалари ва уларда фаолият юритадиган педагоглар зиммасида жуда буюк масъулият турганини назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Дарҳақиқат, келажакда буюк давлатга ҳар томонлама етуқ ва баркамол, маънан ва ахлоқан пок, ватанпарвар ва инсонпарвар авлодларни тарбиялаб етказиш улкан масъулият талаб қилади. Бугун таълим тизимимизни халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнига илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқувчи-талабаларга замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдек улкан вазифалар қўйилган. Мана шундай улғувор вазифаларни бажаришда Ренессанс таълим университети ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Мазкур улғувор мақсад юксалиш ва ривожланиш стратегиясининг аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги уни халқаро ва мамлакатимиз миқёсида етакчи университетга айлантиради.

Нуратилла БАРАКАЕВ,
Ренессанс таълим университети ректори,
техника фанлари доктори,
профессор.



